EPHYDRA MACELLARIA EGG ШОЛИНИНГ АСОСИЙ ЗАРАРКУНАНДАСИ

Қуролова Захрохон Рустамбой қизи
Тиллаева Шабнам Элчибой қизи
Тошкент давлат аграр университети талабалари
Doi: https://doi.org/10.5281/zenodo.20459121

Аннотация. Ушбу маколада шоли ўсимлигига катта зарар келтирувчи сув бўйи чивини хақида унинг мамлакатимизда учраши ва кандай зарар келтириши, карши кураш чоралари берилган.

Таянч сўз. Шоликорлик, шоли майсаси, сув бўйи чивини, авлод , тур.

Сув бўйи чивини Ephydra macellaria Egg зараркунанда Тошкент вилоятидаги ва Қорақалпоғистондаги шоликорликларда шоли майсасига анча зарар етказади, бунинг натижасида баъзан анчагина ердаги шолини қайта экишга тўғри келади (Елизарова, Шагаев, Ли маълумотлари).

Сув бўйи чивини Полеарктиканинг чўл ҳудудларида анча кенг миқиёсда тарқалган; Ўзбекистоннинг Ўрта Чирчиқ туманида, Тожикистоннинг пастқам ерли туманларида ва Қорақалпоғистонда учрайди.

Бу чивин 4 мм катталикда, кўкрак ва қорни яшилсимон металл тусда, оёғи қизғиш- яшил; ўрта орқасида бешта дорзовентрал қалқони бор, қалқонининг четларида тўртта дағал тукча жойлашган; оёқ панжасидаги тирноғи тўғри ва буларнинг орасида сўрғичи йўқ. Қанотидаги суяксимон томири икки жойидан узилган, анал томири ажин шаклида, қанотида кейинги асосий ва анал ячейкалар йўқ. Тухуми ҳозирча таърифланмаган.

Личинкасининг бўйи 7 мм гача келади, одатда орқа томонига эгилган, танасининг охирида ўсиғи бор, мана шу ўсиғи учида иккита трубкача жойлашган, трубкачалар учида нафас олиш тешиги бор. Личинканинг ранги хира-сарғиш тусда, лупасиз қаралганда танасидаги кўпдан-кўп оч жигар ранг майда тукчалар туфайли кул ранг бўлиб кўринади. Личинка орқасининг ўрта қисмидаги сегментнинг ҳар бирида танасидаги тангачаларнинг бир-бири устига миниб жойланишидан ҳосил бўлган тўқ жигар ранг пиёлачасимон гуллар (чизмалар) бор, танаси 12 та сегментга бўлинган; ост томонида тўққиз жуфт сохта оёғи бор, оёқларининг учида икки қатор қора илмоқчалари жойлашган, шу билан бирга, сўнги жуфт оёғида бу илмоқчалар жуда суст ривожланган; сохта оёғининг саккизинчи жуфтида илмоқчаларнинг иккита қўшимча қатори (жами тўрт қатор) бор, шу саккизинчи жуфт оёғидаги илмоқчаларнинг учи олдинга қайрилган; бошқа оёқларидаги илмоқчаларнинг учи орқага қараган.

Чивиннинг сохта пилласи учида ортиғи бор, бунда сохта оёқларидан фақат олтинчи ва саккизинчи жуфти сақланиб қолиб, қолганлари йўқ бўлиб кетади, буларнинг фақат илмоқчаларигина сал-пал билиниб туради; пилланинг шакли чўзиқ, олди томони ингичкарок; ранги тўқ жигар ранг бўлади.

Ҳаёт кечириши. Сув бўйи чивинининг биологияси ҳозирча текширилмаган. Бу зараркунанда сув ҳавзаларида ривожланади; вояга

етган чивинлар сув бетига, шоли майсасига ва ариқ четларидаги ўтларга қўниб яшайди. Бу чивин ўз тухумини шоликорликлардаги сувда ўсадиган ўтларга қўйса керак; личинкаси тупроқнинг қатламида анча узоқ вақт яшай олади, сувда тез сузади.

Сув ўсимликларида ғумбакланади, бунда олтинчи ва саккизинчи жуфт оёғи орасидаги ўйиғи билан ўсимликка ёпишади. Сув бўйи чивинининг янгидан ўзлаштирилган ерларга экилган шолиларга зарар етказганлиги аниқланган; эски шоликорликларда бу чивиннинг кўплаб урчиганлиги ҳозирча кўрилган эмас. Сув бўйи чивинидан шолиларнинг шикастланиш ҳодисаси июндан кейин тўхтайди; тахминан маълумотларга қараганда чивиннинг июндан кейинги авлоди ариқ бўйида ва сувда ўсадиган ўсимликларда ривожланса керак.

Бу чивин 1 йилда неча авлод бериши ҳозирча аниқланган эмас, аммо Тошкент шароитида учта ва ундан кўпроқ авлод берса керак деб тахмин қилинади.

Кураш чоралари. Олдини олиш чораси сифатида–шоли экиладиган янги ерларни кузда яхшилаб шудгорлаш, шоли уруғини экиш олдидан гексахлоран дустига (гектарига 5-8 кг ҳисобидан олиб) аралаштириш тавсия этилади, бунда уруғлик шоли энг аввал 1-2 сутка сувда ивитилади (Ли Ден Хва маълумоти).

Бу зараркунанда пайдо бўлиб турадиган шоликорликка шолининг қурғоққа чидамли нави сув бостирилмаган ерга экилиши тавсия этилади.

Бундан ташқари, шитня чиғаноқ куртига қарши қўлланган каби, шоли кўкара бошлаган даврда шолипояга аммиак селитра ўғити солиб, бунинг чивин личинкасига ва сохта пилласига қандай таъсир этишини текшириб кўриш лозим.

Фойдаланган адабиётлар.

1. Алимухамедов С.Н., Ходжаев Ш.Т. - Вредители хлопчатника и меры борьбы с ними, изд. «Узбекистан», г.Т., 1979.
2. Кимсанбоев Х.Х. ва бошқ. - Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси. Тошкент, 2002.
3. Олимжонов Р.А.- Энтомология. “Ўқитувчи”.Тошкент,1977.
4. Хўжаев Ш.Т., Холмуродов Э.А. - “Энтомология, қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилиш ва агротоксикология асослари. Тошкент, “Фан” нашриёти,2009.
5. Холмуродов Э., Болтаев Б. ва бошқ.- Умумий энтомология ва зоология асослари. (Ус.қўлланма). ТошДАУ нашр тахририяти. Тошкент,2012.